Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 81 (6971). 28 апрель, 1979 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН ИШЧИЛАР СИНФИ, КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАР ВА ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ!

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҒОЯВИЙ БИРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ҚУРИЛИШ РАҲБАРЛАРИ СЕМИНАРИ

Область партия комитети Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Госстройи ва «Главташкентстрой» бош бошқармаси билан биргаликда область ва Тошкент шаҳар қурилиш ҳамда монтаж ташкилотлари раҳбар ходимларининг иш тажрибаларини ўртоқлашиш юзасидан семинар-кенгашини ўтказди.

Семинар қатнашчилари олимлар ва мутахассисларнинг КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг капитал қурилиши масалалари бўйича кўрсатмалари асосида капитал қурилишини бошқаришни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш проблемалари ҳақидаги докладларини тингладилар.

Қурилиш-монтаж трестлари раҳбарлари коллективларни объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга сафарбар этиш юзасидан иш тажрибаларини ҳам ўзаро ўртоқлашдилар.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 26 апрелда Катта Кремль саройида Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д'Эстэн шарафига зиёфат бердилар.

В. Жискар д'Эстэннинг сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган Франция давлат арбоблари, шунингдек Францияннинг СССРдаги элчиси Б. де Лесс зиёфатда у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. Н. Косыгин, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам президент жаноблари,

Муҳтарам француз меҳмонлар,

Ўртоқлар!

Ишдаги ўртоқларим номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, Президент жаноблари-ни Москвада қувонч билан табриклайман.

Совет Иттифоқи билан Франция сингари давлатларнинг раҳбарлари учрашган пайтда қўпдан-кўп масалалар диққат марказида туради. Ҳатто гап фақат икки томонлама муносабатлар тўғрисида борган тақдирда ҳам, булар-тор, жузъий масалалар бўлмайди. Сиёсат ва экономика, фан ва маданият соҳасидаги Совет-Франция ҳамкорлигининг натижаларига бутун дунёда эътибор бериб қаралмоқда. Бу қизиқиш-мутлақо асосли, албатта. Совет-Франция муносабатлари узлуксиз ривожланмоқда ва кескинликни юмшатишнинг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қилмоқда.

70-йилларнинг бошларида Совет Иттифоқи билан Франция кескинликни юмшатиш сиёсати томон бурилиш бўлишига кўмаклашдилар. 80-йилларга келганда бундан ҳам кенг миқёсдаги вазифа: кескинликни юмшатиш узил-кесил ва ер курасининг ҳамма жойида таитана қилиши учун ҳамма имкониятни яратиш вазифаси қўндаланг қилиб қўйилмоқда. Тинчлик ва юмшашув—сиёсий эгизакларидир. Юмшашув қарор топса, тинчлик ҳам мустаҳкамланаверади.

Агар Европани оладиган бўлсак, бу ерда қонли урушлар, гам-гусса ва қулфатларни бошидан кечирган халқларнинг ҳозирги авлодлар учун ҳам, келажак авлодлар учун ҳам тинч истиқболга умид қила олишлари учун айниқса кўп иш қилинди. Хельсинкида қабул қилинган қарорларнинг тарихий моҳияти ана шундан иборат. Аммо воқеаларнинг бу йўлдан боришини мустаҳкамлаш керак, бунинг учун курашиш лозим. Акс ҳолда ҳамма иш тескари қараб кетиши мумкин.

Яқинда дунё, айтиш мумкинки, бир силкингандек бўлди. Катта бир давлат қуролни ишга солиб, қўшни мамлакатга бостириб кириб, унинг адабини бериб қўйиш ниятида эканини сурбетлик билан айтди. Гарчи бу авантюра барбод бўлган бўлсада, ундан жуда жиддий хулосалар келиб чиқади. Биз ўзимиз учун шундай хулосаларни чиқариб олдик. Эҳтимолки бошқалар ҳам шу ҳақда ўйлаётгандирлар.

Ер юзининг бирон бир қисмида ҳуқуқ ўрнига куч ишлатишга, яъни қўпничилик ўрнига душманлик ва бўйруқбозлик қилишга уринсалар, ҳеч ким бепарво бўлиб қола олмайди. Тинчлик-муштарак мулк. Шу боисдан ҳам давлатлар тинчлик ва ҳалол, тинч ҳамкорлик йўлида коллектив бўлиб кучгайрат сарфлашлари жуда зарур, биз — сабот-тоқат тарафдоримиз, масалага вазмин ёндашиш тарафдоримиз. Аммо биз зарур бўлиб қолган тақдирда, агрессияга қарши қаттиқ ҳаракат қилишнинг ҳам тарафдоримиз. Жаҳон уруши хавфи кучаган даврда Совет Иттифоқи ана шундай позицияни қатъий тутиб ҳимоя қилди. Биз ҳозир ҳам шу позицияда турибмиз.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш, ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш, шу жумладан ишонч тадбирларини кенгайтириш ҳам барчанинг муштарак иши эканлигига аминмиз. Биз ана шу буюк, ҳаётий муҳим проблемани ҳал этишга қаратилган ҳатто конкрет таклифларни бундан буён ҳам амалий равишда кўриб чиқишга тайёрмиз. Бу ўринда ҳам СССР билан Франция бир-бирларининг позицияларини яхшироқ уқиб олишлари, бу позицияларни бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилишлари зарур, албатта. Икки томонда ҳоҳиш бўлган тақдирда бунинг имконияти бор деб ўйлаймиз.

Одатда олий даражадаги Совет-Франция учрашувлари яхши, салмоқли натижалар беради. Бу галги музокараларимиз ҳам мазмундор ва самарадор бўлишига ишончим комил.

Президент жаноблари, Сизнинг сиҳат-саломатлигингиз учун! Дўст Францияннинг равнаги учун!

Яхши ҳамкорлигимиз учун!

* * *

В. Жискар д'Эстэн жавоб нутқи сўзлади.

В. Жискар д'ЭСТЭН нутқи

Раис жаноблари!

Аввало мен иззат-икром учун сизга ташаккур изҳор этмоқчиман ва Сизнинг хозиргина айтган сўзларингиздан нақадар мамнун бўлганлигимни айтиб қўймоқчиман.

Сизнинг лутфан қилган таклифингизни қабул этиб, яна шонли пойтахтингизга келар эканман, Сизнинг меҳмонингиз ва улуғ совет халқининг меҳмони бўлиш қувончини ҳис этиб турибман. Аввалги учрашувларимиз каби бу учрашувимиз ҳам иккала мамлакатимиз ўртасидаги иноқлик ишига ва шу билан бирга, Европада ҳамда бутун дунёда кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишига хизмат қилажагига ҳам ишонаман.

Раис жаноблари, бу галги визит Сизнинг мамлакатингизга менинг Франция республикаси президенти сифатидаги иккинчи визитим бўлади: бу — бизнинг тўртинчи учрашувимиз ва бошқаси. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш вақтида Хельсинкида ўтказган суҳбатимиз ҳам ҳисобга олинса, ҳатто бешинчи учрашувимиздир. Бинобарин, бу визит Франция-Совет муносабатларидаги айрим бир воқеа эмас. Бундай визитлар анъанага айланиб қолмоқда. Бу галги учрашув бамисоли янги халқадир. бу халқа ўзи мустаҳкамлайдиган ўтмишга нисбатан ва ўзи тайёрлаётган келажакка нисбатан тўла аҳамият касб этмоқда. У муносабатларимизнинг изчиллигини ифодалайди ва унинг ривожланишидан дарак беради.

Изчиллик аввало, раис жаноблари, иккаламиз ўртамиздаги ва иккала мамлакатимиз раҳбарлари ўртасидаги мулоқотда ифодаланмоқда.

Ҳозиргина мен бошқа ҳамма учрашувларга нисбатан бениҳоя муҳим бўлган тезтез ва мунтазам ўтказилаётган учрашувларимизни эсга олдим. Раис жаноблари, Сиз билан биз учрашувларимиз орасида халқаро сиёсатда пайдо бўлаётган ҳамма катта актуал проблемалар тўғрисида бир-бирларимизга шахсан мактублар юбориб туришга одатланиб қолганлигимизни ошкор қилсам, ҳеч қандай сирни очиб қўйган бўлмайман. Бу мактубларда биз ўз фикрларимизни ошкора ва моҳият эътибори билан тушунтириб берамиз. Бу мулоқот доимий, универсал ва шахсий характерга эгадир, деган сўзлар бу мулоқотни характерлайди ҳамда социалистик мамлакат билан Ғарб мамлакати раҳбарлари ўртасидаги ҳар қандай мулоқотга нисбатан унга алоҳида аҳамият бахш этади.

Бунинг сабаби шуки, мактубда кескинликни юмшатиш, иноқлик ва ҳамкорлик сиёсатининг изчиллиги ҳар иккала томондан изҳор этилади.

Ҳукуматларимиз шу йўлга кирганига тез орада 15 йил тўлади. Ҳар бир муҳим босқичда улар бу сиёсатининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлдилар. Баъзан қийинчиликларга дуч келишларига қарамай улар шу йўлдан сабот билан олга борганликлари учун ҳам ҳозир ўз кучгайратларининг дастлабки самараларидан мамнуният билан баҳраманд бўлмоқдалар. Европа анча осойишта бўлиб қолди, Европа давлатлари бир-бирларининг қизиқишларини яхшироқ тушунадилар ва халқлар иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейинги бирон бир даврга нисбатан тинч келажакка кўпроқ ишонадилар. Дунёнинг қолган районларида можаролар чиққан экан ва кескинлик давом этиб келаётган экан, бахтимизга, бу можаролар чекланганлигича қолди. Бу ўринда мен шу мавзуятдан фойдаланиб, Франция Совет Иттифоқининг Жанубий-Шарқий Осиёда яқинда бўлиб ўтган воқеалар вақтида кўрсатган вазминлигини муносиб қадолашини яна бир карра айтиб ўтмоқчиман.

Раис жаноблари, кескинликни юмшатишнинг бу самарадори нақадар Сизнинг шахсий фаолиятингиз натижаси эканини ва бизни ўзимиз бошлаган йўлдан олга боришга рағбатлантираётганини биламан. Дарҳақиқат янги босқичга ўтиш вақти келди.

Франция бунга, яъни икки ўртамиздаги мулокот ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамда бизнинг кескинликни юмшатиш йўлидаги кучгайратларимизни активлаштиришга тайёр.

Франция ва Совет раҳбарлари ўртасида аста-секин вужудга келган алоқаларнинг фойдаси ва аҳамиятини тажриба кўрсатди. Энди бу алоқалар мунтазам мавзум касб этадиган ва бу тажрибани расмий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўядиган пайт келди. Бу нарса ҳамкорлик программамизнинг мақсадларидан биридир. Ўртамиздаги алоқанинг сифати ва пишиқ-пухталигига келганда, унинг техника мукаммаллашуви ютукларининг ҳаммасидан баҳраманд бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам лозим. Ниҳоят, бизнинг ижтисодий ҳамкорлигимиз учун келгусидаги 5—10 йил мобайнида олдиндан биз кўра оладиган миқёсларга мувофиқ доираларни қайд этиш мухимдир. Ҳозир товар айирбошлаш ҳажми 12 миллиард франкдан ошиб кетди. Бу ҳажм максимал имкониятларга етишига ҳали олис эканлигини биламиз. Савдо-сотигимизни ўстириш мақсадини ўз олдимизга қўяр эканмиз унинг изчиллигини ҳар қандай камситишга йўл қўймасликка ҳаракат қилишимизни истайман.

Бизнинг кескинликни юмшатиш ва тинчлик йўлидаги куч-ғайратларимизга келганда, бунинг учун кенг истиқболлар очилмоқда. Мен ўз томонимдан бу истиқболларни учта асосий йўлга бўриб юборишни таклиф қиламан.

Биринчи йўл — Европада кескинликни юмшатиш йўли бўлиб, у Хельсинки кенгашининг якунловчи акти қоидалари қатъият билан бажарилишини тақозо этади; бу йўл бутун Европа миқёсида фойдали ва мақбул бўлган соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишни ҳам тақозо этади. Раис жаноблари, Сиз таклиф қилганингиздек, атроф муҳит соҳасида ҳамкорлик қилиш шу соҳаларнинг биринчиси бўлади; ниҳоят, бу йўл кескинликни юмшатишга бағишланган навбатдаги катта учрашувга — Хельсинки актини имзолаган 35 мамлакатнинг 1980 йилда Мадридда бўладиган учрашувига пухта тайёргарлик кўрилишини тақозо этади.

Иккинчи йўл бизнинг ҳаммамизни кескинликни юмшатиш руҳи ва принципларини дунёнинг барча безовта районларига ёйиш тўғрисидаги жаҳоншумул масъулиятимизни бажо келтириш доирасида ғамхўрлик йилишга олиб бориши лозим. Давлатларнинг территориал бутунлиги ҳамда халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳурматлаш принципларига барча томонларнинг риоя қилиши йўли билангина одилона ва мустаҳкам негизларга таянувчи тинчлик ўрнатиш мумкин бўлади.

Ниҳоят, учинчи йўл реал қуролсизланишга олиб боради. Бу йўл, жумладан, Европадаги қурол-яроғларнинг жуда кўп ва хатарли запасларини самарали равишда қисқартириш ва унинг даражасини давлатлар хавфсизлигининг ягона қонуний эҳтиёжларига мувофиқ астасекин қисқартириш иложини қидиришни назарда тутади. Шу муносабат билан Франция бир қанча бандлари Совет Иттифоқи ўртасига кўйган таклифларга мос келадиган таклифни илгари сурди. Бизнинг суҳбатларимиз қуролсизланиш соҳасидаги илгор ва конкрет фаолият йўлини очиб беришни истайман.

Раис жаноблари, менинг визитим Франция-Совет муносабатлари учун ана шундай истиқболларни очиш мақсадини кўзлайди. Бу истиқболлар совет халқининг ҳам, француз халқининг ҳам чуқур тинчликсевар муддаоларига мос бўлиб тушишини, шахсан Сиз қилаётган ҳаракатларга мувофиқ эканлигини биламан.

Шу сабабли суҳбатларимизнинг якунларига ва иккала мамлакатимиз ҳамкорлигини бундан кейинги муваффақиятларига комил ишонч билан;

Раис жаноблари, Сизнинг шарафингизга.

Мен тинчлик, бахт-саодат, равнақ тилаётган Совет Иттифоқи халқлари шарафига.

Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик шарафига қадаҳ кўтараман.

* * *

Л. И. Брежнев ва В. Жискар д'Эстэннинг нутқларини зўр эътибор билан тингладилар, қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).



Суратда: комсомол йўлланмаси билан Тошкент тўқимачилик комбинатини реконструкция қилиш ва ишга тушган комсомол-ёшларнинг бир группаси.

А. Абалян фотоси.

ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Катта залга йиғилган, чеҳралари гулгун очилган йигит-қизларга боқар экансиз, беихтиёр хаёл сўз тарих саҳифаларига, гоҳ шу куннинг жасоратли дамларига югуради.

Бундан ярим аср муқаддам биринчи беш йиллик плани тузилган эди. Қаҳрамон комсомол қишлоқ хўжалиги, саноатни ривожлантиришга, умуман бу улкан ишларни адо этишда жонбозлик кўрсатди. Тошкент тўқимачилик комбинати ҳам ўша тарихий биринчи беш йилликда бунёд этилган йирик тўнғич корхоналарнинг биридир. Она-Ватан бугун ёшларни ана шу комбинатни реконструкция қилиш ва ишлашга чақирмоқда. Оловқалб ёшлар Ватан чақириғига «лаббай» деб жавоб бердилар.

Ахир бу улкан корхонани тиклаш ва уни ишга туширишда ленинчи комсомоллар жонбозлик намуналарини кўрсатган эдилар. Мазкур корхонанинг донги бутун мамлакатга ёйилди. Мана бу кун эса ёшларнинг яна бир катта отряди авлодларнинг жанговар анъаналарини давом эттиришга доимо тайёр эканлигини намоён этмоқдалар. Тўпланганлар орасида областимизнинг турли шаҳар ва районларидан келган колхозчи, ишчи, қурувчи, шофёр, ҳамширалар каби ўнлаб касб эгаларини кўриш мумкин. Уларнинг мақсади бир: Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун курашишдан иборат.

Биз Тошкент районидан келган кўнгиллилар даврасига кўшилдик.

— Мен «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозиданман, — дейди Ислом Ғаниев.—Ватан чақиригини эшитиб, тўқимачилик комбинатига йўлланма олдим. Бугун биринчи бор сменада ишлашга улгурдим. 2-тўқимачилик фабрикасида патронларни кассетага жойлайман. Фабрика реконструкция қилингач, бу жараённи автомат бажарар экан. Мен эса комбинат ҳузуридаги техникумга кириб ўқишга қарор қилдим. Мастерга ёрдамчи касбини эгалайман. Бугундан бошлаб районимиздан келган сафдошларим ҳам ишга тушишади.

КОМСОМОЛ — ЗАРБДОР ОБЪЕКТГА

Комсомол-ёшларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, уларнинг она-Ватан чақиғини муқаддас билиб ғайрат ва ташаббус билан курашга отланганликларининг гувоҳи бўламиз.

— Сизнинг комбинатдаги биографиянгиз энди бошланяпти, — дейди тантанали митингни очган область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов. — Сиз жанговар анъаналарга бой катта коллективга қўшилаяпсиз. Уз самарали меҳнатингиз билан комбинат йилномасига янги саҳифаларни битасиз.

Ҳа, комбинат тарихида ёшларнинг жуда катта отряди ҳаёт йўлини босиб ўтди. Уларнинг кўпининг номини фақат республикамиздагина эмас, балки чет элларда ҳам биласиз. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Меҳрамат Йўлдошева, Лидия Павловна Кезанцева, Буолма Жўраева, СССР Олий Советининг депутати, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар Қулматова ва бошқа ҳурматли кишилар шулар жумласидандир. Йиллар ўтади, ҳеч шубҳа йўқки, ана шу залга ўтирган йигит-қизлар уларнинг ўрнини босадилар. Янги чўққиларни шулар забт этадилар.

Тўқимачилик комбинатининг директори О. Б. Бурхонов, ветеран тўқимачи Л. П. Казанцева ёшларга корхонанинг биографияси, унинг жанговар йўли ҳақида сўзлаб бердилар.

Митинг қатнашчилари ВЛКСМ XVIII съездининг делегати опасингил Виноградовалар мукофотининг лауреати Дилбар Қулматованинг сўзларини эътиқизиқ билан тингладилар.

— Мен комбинатга 1970 йилда ишга келгандим, — дейди Дилбар Қулматова. Ўша пайтда илғор тўқимачилар 32—36 станокни мувоффақият билан бошқаришар эди. Мен эса зўрға тўртта станокда ишлардим. Жуда қаттиқ қийналдим. Ҳар хил хаёлларга бордим. Шунда мен ўз-ўзимга шундай савол бердим: Сен комсомол йўлланмаси билан келгансан. Бу шарафни оқлаш муқаддас бурчинг. Мен Лидия Павловнага шогирд тушдим. Ҳозиргача қандай мувоффақиятга эришган бўлсам, ҳаммаси ҳалол меҳнатим туфайли.

Тантанали митингда сўзга чиққан зарбдор отряд аъзоларидан И. Очилова, Н. Турчиналар Ленин комсомоли ишончини шараф билан оқлашларини билдирдилар.

Тантанали митингда область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев нутқ сўзлади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ўзининг беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини муддатидан илгари — 27 апрелда бажардилар.

Область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари апрель ойи охиригача қўшимча ўнларча миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИ ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1979 йил июнь ойида Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайлови ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1979 йил, 26 апрель. Тошкент шаҳри.

РЕСПУБЛИКА ПАРРАНДАЧИЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

27 апрель куни Тошкентда парранда чиларнинг республика кенгаши бўлди. Кенгаш катнашчилари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қарорлари асосида республикада паррандачиликни саноат асосида янада ривожлантириш вазифаларини кўриб чиқдилар.

Кенгашда янги паррандачилик фабрикалари барпо этиш, ишлаб турган шундай фабрикаларни реконструкциялаш ва кенгайтириш ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтириш тадбирлари белгилаб олинди. Паррандаларни тезроқ катакларда боқишга ўтказиш, наслчилик ишини яхшилаш, комплекс механизацияни жорий этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Паррандачиликнинг энг тез етилувчи тармоғи-бройлер паррандачилигини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Ҳозир республикада паранда гўшти етиштирувчи етти корхона ишлаб турибди, яна бир қанча катта бройлер фабрикаларини қуриш, ишлаб турганларини реконструкциялаш кўзда тутилган. Шу йилнинг ўзидаёқ 20,2 минг тонна, яъни ўтган йилдагига қараганда 2,6 минг тонна кўп паррандa гўшти етиштириш мўлжалланмоқда.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Курбонов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг даъватига биноан ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида социалистик мусобақанинг кенг эвж олдириб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1979 йил январь—апрель ойларни планини муддатидан илгари— 26 апрелда бажардилар.

Кўмир қазиб чиқариш, прокат, трактор саялкалари, пахта теласи, пайпоқлар, ички ва устки трикотаж ишлаб чиқариш, сутга айлантириб ҳисобланган қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларни етиштириш юзасидан январь—апрель ойлари плани оширилиб бажарилади.

(ЎзТАГ).

ОҚҚЎРҒОН ХАБАРЛАРИ

ПИЛЛАКОР ОИЛА

ТУРСУНОЙ Сарикулова номини Қуйбишев номли колхоз аъзолари ҳурмат билан тилга олишади.

Ўтган йили Сарикуловалар оиласи давлатга 400 килограмм пилла сотиб, мусобақада яна пешқадам бўлди.

Пиллакор оила бу йил 4 қути қурт уруғи парваришлаб, давлатга камида 500 килограмм пилла етказиб бериш мажбуриятини олган. Бунинг учун бир йўла уч қути қурт уруғи боқиладиган янги айвон қуришди.

— Бу йил «Коммунизм» колхозининг илғор пиллакори Хабира Тўрахўжаева билан мусобақалашишга келишиб олдик, — дейди Турсуной Сарикулова. — Ваъда қилганимдек, 500 килограммдан ошириб пилла етиштириб, мусобақадошимдан ортда қолмасликка ҳаракат киламан.

П. ЭРГАШЕВ.

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

«Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд ички резерв ҳамда имкониятларни ишга солмоқдалар.

Хўжалик фермасида соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақанинг таъсирчан формалари қўлланилаётир. Областнинг бир группа илғор чорвадорлари қатори ҳар бир сигирдан 5500 килограммдан сут соғиб олиш ташаббуси билан чиққан Мақсуда Қўлдошеванинг издошлари кўлайиб бормоқда. Шулардан бири Тамара Исломгуловадир. У дугонаси Мақсудага эргашиб ҳар бир сигирдан кунига 13—15 килограммдан сут соғиб олаётир.

Т. ЗОКИРОВ.

ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

Баҳор, ҳамма ёқ кўм-кўк. Далаларда ўзгача ҳаракат, ажойиб бир қувноқлик. Кенг майдонда тракторларнинг гулдураси.

Янги қурилган шийпон ёнидаги ҳовуз атрофида дарахтлар кўм-кўк. Шийпоннинг орқа томонидаги пайкалда эса иш жизғин, икки трактор зўр ишламоқда.

Картанинг этагида йигит-қизлар майдон четларини тартибга келтирмоқдалар. Забардаст қўллари механтда чиниққан, юзлари офтобда қорайган Эркинжон Норовнинг юзларида табассум. Тексланган ерга мамнунлик билан қарайди. Шу пайт унинг ёнига звено бошлиғи, механизатор Шерали Ҳатамов ўз агрегатида келиб тўхтайди.

— Ўртоқ бригадир биз тайёрмиз, — дейди қувноқ оҳангда.

— Вақт кутмайди дўстим, жони бошладик. Қучқорали тўйчиев сеялкани уруғга тўлдирди. Шерали агрегатни эҳтиёт юргазди. Кафтлек текис майдонга уруғ қадалди.

Бригадир экиш сифатини текширар экан, дейди:

— Чигитни табиий намга ундириб олишга нима етсин. Кўчат бақувват бўлади ва тез ривожланади. Бизда комсомол-ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказамиз, ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб оламиз демоқдалар.

Бу — Пискент районидаги Оҳунбобоев номли колхозда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бригадир суҳбат орасида механизатор Ш. Ҳатамов, колхозчи ёшлардан Қ. Тўйчиев, Н. Раҳмонова З. Норова, А. Маҳкамбоев, М. Солиева, Л. Норматова каби ёшларнинг номини фахр билан тилга олди. Улар қунлик нормаларини ошириб бажараётганликларини айтишди.

Бригада аъзоларининг унумли меҳнати учун ҳамма шароит яратиб берилган. Бригада деҳқонлари экишни тезда тамомлаб, ҳар гектар ерда тўлиқ кўчатлар ҳосил қилиш учун агротехника талабларини амалга оширмоқдалар.

И. СОЛИЕВ.

ОБЛАСТЬ САНОАТИНИНГ ЗАРБДОР ОДИМИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТИДА 1979 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Область ва Тошкент шаҳар саноати ходимлари ўзининг беш йиллигининг тўртинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини бажардилар.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги 2,4 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ортишининг 63 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Химия, нефтохимия саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ҳамда целлюлоза-қоғоз саноати йилдам суръатлар билан ривожланди.

Енгил саноати, қора ва рангли металлургия, бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати янада ривожланди.

Маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш, комплектлаштирувчи узел ҳамда деталлари билан бирга, 9 процент ошди.

Маҳсулот реализация планининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ортиши область шаҳарлари ва районлари бўйича қуйидагича бўлди:

	Маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши процентида	1979 йил 1 кварталда 1978 йил 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида	
		ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Шаҳарлар:			
Олмалиқ	100,8	102	101
Ангрен	103	103	100,9
Оҳангарон	97	100,8	99,7
Бекобод	102	105	93
Чирчиқ	101	108	108
Янгийўл	108	100,0	98
Районлар:			
Оққўрғон	102	72	72
Оҳангарон	96	145	176
Бекобод	101	82	81
Бўстонлиқ	104	153	148
Бўка	102	99,8	96
Ғалаба	105	110	111
Калинин	103	99,7	100,8
Коммунистик	104	101	103
Оржоникидзе	103	73	71
Пискент	101	84	84
Ўрта Чирчиқ	102	97	93
Тошкент	107	108	99,7
Чиноз	101	78	77
Янгийўл	104	105	104

Область бўйича муҳим саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1979 йил 1 кварталда ишлаб чиқарилди	1979 йил 1 кварталда 1978 йил 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	3,6	86
Кўмир — минг тонна	1487	102
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	1751	105
Брон кабели — минг километр	4,6	95
Компрессорлар — дона	1665	105
Тракторлар — минг дона	5,9	99,2
Трактор прицеплари — минг дона	9,2	96
Трактор сеялкалари — минг дона	2,5	106
Трактор культиваторлари — минг дона	5,3	98
Пахта териш машиналари — дона	2353	100,3
Кўрак чувиш машиналари — дона	582	89
Электрик кўприк кранлари (махсуслари ҳам ҳисобга киради) — дона	336	100,0
Экскаваторлар — дона	375	100,0
Химия асбоб-ускуналари — миллион сўмлик	7,5	104
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик	32,4	131
Цемент — минг тонна	647,6	99,1
Йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари — минг куб метр	564,6	101
Иморатбоп ғишт — миллион дона	132,1	92
Керамик пардозлаш плиталари — минг квадрат метр	285,1	86
Асбоцемент шиферлари — шартли миллион тахта	41,7	99,5
Асбоцемент қувурлари — шартли километр қувур	764	109
Қоғоз — минг тонна	6,2	95
Мебель — миллион сўмлик	16,2	109
Пахта толаси — минг тонна	40,3	82
Каноп толаси — минг тонна	3,4	101
Ип газламалари — миллион квадрат метр	39,9	100
Тикувчилик буюмлари (тўла қиймати бўйича) — миллион сўмлик	69,9	106
Пайпоқлар — минг жуфт	61,1	113
Ички трикотаж — миллион дона	2,7	103
Устки трикотаж — миллион дона	1,7	99
Чарм пойафзали — миллион жуфт	3,5	104
Ғўшт (давлат ресурслари хомашёсидан) — минг тонна	13,4	98
Колбаса маҳсулотлари — минг тонна	8,9	111
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари хомашёсидан) — минг тонна	33,9	96
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хомашёсидан) — минг тонна	15,0	88
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	19,1	108
Консервалар — шартли миллион банка	15,8	109
Маданий-маиший ва уй-рўзғор товарлари (комплектлаштирувчи узел ва деталлар ҳам ҳисобга киради) — миллион сўмлик	71,0	109

Қатор маҳсулот турлари — трансформаторлар, ҳаво компрессорлари, химия асбоб-ускуналари, асбоцемент қувурлари, шунингдек кенг истеъмол товарлари — мебель, тикувчилик буюмлари, чарм пойафзали, ширинликлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпайди.

Область саноатида асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини, тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш бўйича ишлар давом этди.

Юқори сифат категориясидаги маҳсулот ҳажми 1978 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 24 процент кўпайди. Янги технологик жараёнлар ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди.

Шу билан бирга айрим саноат бирлашмалари ва корхоналари ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулоти таннархини камайтириш, маҳсулотларни лозим ассортимент ва сифат билан ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни бажармади.

Ишга туширилган айрим янги қувватлар суст ўзлаштирилди ва тўла фойдаланилмади.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини тўла таъминламади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.



Суратда: пойтахтимизнинг «Марказ-13» кварталидаги 666 ўринли «Ленинград» меҳмонхонасининг кўриниши. А. Тўраев фотоси.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ СОҲИБИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида бўлиб ўтган мамлакат мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўқитиш ва ўргатиш тажрибасига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси катта аҳамият касб этди. Мазкур конференция якуни бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилини ўқитиш ҳамда ўрганишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори педагоглар учун дастурламал бўлиб қолди.

Бу орада илғор рус тили ўқитувчилари сафи янада кенгайди. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Е. Л. Альтман шундай моҳир педагоглардан. Немис газандалари она Ватанимиз тупроғига бостириб кирганда Ефим Леонидович ўрта мактабнинг юқори синфида таълим оларди. Ватанимиз бошига оғир кулфат тушган бир пайтда у ўз бурчини адо этиш учун фронтга отланди.

Урушдан қайтгач, Ефим Леонидович Тошкентдаги педагогика билим юртида таҳсил кўрди ва Ойдин Собирова номли 106-ўрта мактабга ишга келди.

Ёшликдан қилган орзусининг дастлабки босқичи бошланди. Хали педагогик тажрибаси бўлмаган ёш ўқитувчи ўз фаолиятининг дастлабки пайтларида анча қийинчиликларга дуч келди. Аммо, мактабнинг тажрибали ўқитувчилари унга яқиндан ёрдам бердилар.

У мактабда ишлаш билан бирга ўз билимини ошириб борди. Ўқиш, ўрганиш, изланиш давом этди. Тошкент Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёт факультетига сиртдан ўқишга кирди. Институтда олган билимларини иш жараёнида қўллаб борди. Иккинчи она тилимиз — рус тилининг чинакам таргиботчиси бўлди.

Зиёкор бугунги кунда Беруний номли 243-ўрта мактабда ёшларга рус тили ва адабиётидан дарс бермоқда. Ўз касбини ардоқлаб келаётган педагог ўз предметини, миллий мактабларнинг ўқувчиларига рус тилини ўқитиш методикасини чуқур билади. У дарсда, синфдан ташқари тадбирларни амалга оширишда ўқувчиларда рус тили ва адабиётига муҳаббат уйготишга, уларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беради.

«РУС ТИЛИ — СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» — БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

У 45 минутлик вақтдан унумли фойдаланиб, дарс жараёнида бирон ўқувчининг бўш қолмаслигига, уларнинг активлигини оширишга интилади. Бир дарсида асосан кўргазмали қуроллардан кўлласа, бошқасида таълимнинг техник воситаларидан унумли фойдаланади. Яна бир дарсида эса тарқатма материаллар, жадваллар асосий ўрин эгаллайди. Бундай ранг-баранглик дарсдан кўзланган мақсадга эришишда жуда кўп қўл келалпти.

— Ўқитувчи дарс жараёнида ўтилган темани моҳирлик билан баён қилиши, уйга берилган вазифаларни қунт билан тушунтириши, техника воситаларидан унумли фойдаланиши зарур,— деди Е. Л. Альтман.— Шундагина, ҳар бир дарс самарали бўлади.

Ҳа, ҳар бир дарсни пухта тайёрланган бўлиб, унда мактабда бўлиб ўтган мамлакат мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тили ва адабиётидан дарс бермоқда. Ўз касбини ардоқлаб келаётган педагог ўз предметини, миллий мактабларнинг ўқувчиларига рус тилини ўқитиш методикасини чуқур билади. У дарсда, синфдан ташқари тадбирларни амалга оширишда ўқувчиларда рус тили ва адабиётига муҳаббат уйготишга, уларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беради.

«РУС ТИЛИ — СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» — БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

У 45 минутлик вақтдан унумли фойдаланиб, дарс жараёнида бирон ўқувчининг бўш қолмаслигига, уларнинг активлигини оширишга интилади. Бир дарсида асосан кўргазмали қуроллардан кўлласа, бошқасида таълимнинг техник воситаларидан унумли фойдаланади. Яна бир дарсида эса тарқатма материаллар, жадваллар асосий ўрин эгаллайди. Бундай ранг-баранглик дарсдан кўзланган мақсадга эришишда жуда кўп қўл келалпти.

— Ўқитувчи дарс жараёнида ўтилган темани моҳирлик билан баён қилиши, уйга берилган вазифаларни қунт билан тушунтириши, техника воситаларидан унумли фойдаланиши зарур,— деди Е. Л. Альтман.— Шундагина, ҳар бир дарс самарали бўлади.

Ҳа, ҳар бир дарсни пухта тайёрланган бўлиб, унда марксизм-ленинизм асослари мактабининг «КПСС сиёсати — амалдаги марксизм-ленинизмдир» курси пропагандистлари иштирок этди. Унда фалсафа фанлари кандидати, Тошкент шаҳар олий партия мактаби фалсафа кафедрасининг доценти Ф. П. Ким «КПСС XXV съезди буржуа идеологияси, ревизионизм ва маоизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» доклад қилди.

Ангрен шаҳар 3-махсус профессионал-техника билим юрти пропагандисти И. Х. Бахтиозин, Ўзбекистон металлургия заводи пропагандисти В. И. Чумаков, Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг пропагандисти Т. Пардаев, Оржоникидзе район қишлоқ хўжалиги бошқармаси пропагандисти М. Шамсутдинов ва бошқалар партия идеология ишининг ленинча принциплари, марксча-ленинча идеология роли-нинг ўсиши ва таъсирининг кенгайиши, қардош социалистик мамлакатлар партиялари идеология соҳасидаги ҳамкорлигининг кучайиши тўғрисида гапирдилар.

Область сиёсий маориф уйи методика советн марксизм-ленинизм асослари секцияси раҳбари, фалсафа фанлари кандидати, доцент А. Холмуродов конференция ишига якун ясади.

Конференцияда ўнув йилининг якунига тавсиялар берилди.

Ш. ТЎЛАГАНОВ,
область партия комитети сиёсий маориф уйининг консультанти.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, реализация қилинадиган маҳсулот ҳажми юзасидан 1979 йилнинг тўрт ойи планини муддатидан аввал — 25 апрель куни бажардилар.

Корхоналарнинг коллективлари йил охиригача қўшимча равишда 1,3 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли молларини реализация қиладилар.

* * *

«Узплодоовощвинпром»га қарашли саноат корхоналари, ишлаб чиқариш аграр бирлашмалар ва совхоз-заводлар маҳсулотни реализация қилиш тўрт ойлик планини 26 апрель куни бажардилар.

Ой охиригача планга қўшимча равишда 3,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ҲАМШИРАЛАР КОНКУРСИ

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида медицина хизматининг турли соҳалари бўйича тез-тез кўрик конкурслар ўтказиб турилади. Куни кеча якунланган навбатдаги конкурс эса институт медицина ҳамшираларининг беморларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги билим ва маҳоратларига бағишланди.

Бу кўрикка жюри раиси, институт бош врачи, медицина фанлари кандидати С. Т. Ибрагимов бошчилик қилди. Кўрикка тайёргарлик ва уни ўтказиш ишларини институт катта медицина ҳамшираси Зулхумор Мусаматова олиб борди.

Конкурсга бўлимлардаги кўрикларда голиб чиққан 13 нафар ёш медицина ҳамшираси қатнашди. Кўрикнинг халқаро болалар йилига бағишлаб ўтказилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Кўрикда шикастланиш хасталиклари бўлимининг ҳамшираси Карима Оқназарова — биринчи ўринни, нейрохирургия бўлимининг ҳамшираси Соня Садикова — иккинчи ўринни ва каттик шикастланишлар бўлимининг ҳамшираси Ҳамида Ёқубова эса учинчи ўринни эгаллашди.

Конкурс голиблари қўл соатлари билан мукофотланиб, уларга ЎзНИИТОнинг «Энг яхшилардан яхши медицина ҳамшираси» вимпеллари топширилди. Қолган конкурс қатнашчилари эса, институт маъмурияти томонидан моддий рағбатлантирилди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

НАҚД БОЙЛИК

НАЗОРАТЧИЛАР яқинда навбатдаги рейдга отланишди. Улар ҳомашё, ёнилғи ва иссиқлик энергияси сарфиётини текширмоқчи бўлишди. Текширувга группа аъзоларидан ташқари завод мутахассислари ҳам жалб этилди.

Рейд давомида ишчилар амалга ошираётган ишларни кўриб мамнун бўлдик. Лекин кундуз кунлари ҳам ёниб турган чироқларни кўриб, браккa чиқаётган металларга назар ташлаб бепарво ачиндик. Назоратчиларнинг бири шу манзараларни бирма-бир расмга олди. Кейин фотовитринада уларни ҳаммага кўрсатдик. Бунинг таъсири катта бўлди. Ўша куниёқ энергия сарфиёти устидан назорат кучайтирилди. Сочилиб ётган металлар бир жойга жамланди.

Бундай юришлар бизда тез-тез бўлиб туради. Группамиз аъзолари ўтган йили ажойиб ташаббус билан майдонга чиққан эдилар. Улар йил давомида 200 тонна металл прокати, 290 минг киловатт-соат электр энергияси, 80 тонна шартли ёнилғи ва бошқа хил материалларни тежаб қолишга аҳд қилган эдилар. Назоратчилар бошлаган ташаббусга ҳамма ишчилар қўшилишди. Яқинда ҳисоб-китоб қилиб қарасак, бу йилда завод бўйича 1135 тонна металл прокати, 438 минг киловатт-соат электр энергияси, 149 тонна шартли ёнилғи иқтисод қилинибди. Бу биз учун нақд бойликдир.

Заводимизда жонкуяр жамоатчилар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Н. Ульянова, Т. Иванова, И. Панков каби назоратчилар текширувларда мунтазам иштирок этишяпти. Бундай актив назоратчилардан 12 киши завод маъмурияти томонидан мукофотланди. Бир группа жамоатчилар эса СССР ва республика халқ контроли комитетларининг мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди.

Н. ЛАРИОНОВА.
Тўйтепа металл конструкциялари заводи халқ контроли группасининг раиси.

ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

ЭКИШ мавсумининг бошланиши олдидан Тошкент область партия комитети ва область «Билим» жамияти қишлоқ меҳнаткашларига илмий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус агитбригада тузди. Агитбригада қишлоқ хўжалигига алоқадор олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг мутахассис олимларидан ташкил топган. Улар ўн кун давомида дала меҳнаткашларини сўнгги фан-техника ютуқларидан хабардор қилдилар, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Олимларнинг Бўка, Пискент, Чиноз, Оҳангарон, Коммунистик, Оққўрғон район-лари пахтакорлари ҳузурида ўтказган лекция ва суҳбатлари, айниқса, марокли бўлди. Н. Оллаёров, С. Ҳакимов, Т. Алиев, Қ. Аринов, О. Олимов сингари фан кандидатларининг чиқишлари пахтакорларда катта таассурот қолдирди.

Х. САБУРОВ,
область «Билим» жамияти правлениесининг референти.



Пойтахтдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1 Май байрамини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқда. Суратда: пешқадам чеварлар (чапдан) В. Ҳакимова, Р. Эргашева, З. Дадахўжаева, Ф. Маҳмудова, Ш. Эргашева, Н. Сиддиқова ва М. Жумабоева.

М. Нуриддинов фотоси.

ПРОПАГАНДИСТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

В. И. ЛЕНИН Марказий Музейининг Тошкент филиалида «КПСС XXV съезди ҳозирги шароитда идеологик кураш хусусиятлари, буржуа идеологияси ва ревизионизмга, маоизм идеологияси ва сиёсатига қарши курашни кучайтириш зарурлиги тўғрисида» деган мавзуда илмий-назарий конференция ўтказилди.

Конференция партия сиёсий маорифи системасида ўқув йилининг якунига бағишланган бўлиб, унда марксизм-ленинизм асослари мактабининг «КПСС сиёсати — амалдаги марксизм-ленинизмдир» курси пропагандистлари иштирок этди. Унда фалсафа фанлари кандидати, Тошкент шаҳар олий партия мактаби фалсафа кафедрасининг доценти Ф. П. Ким «КПСС XXV съезди буржуа идеологияси, ревизионизм ва маоизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» доклад қилди.

Ангрен шаҳар 3-махсус профессионал-техника билим юрти пропагандисти И. Х. Бахтиозин, Ўзбекистон металлургия заводи пропагандисти В. И. Чумаков, Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг пропагандисти Т. Пардаев, Оржоникидзе район қишлоқ хўжалиги бошқармаси пропагандисти М. Шамсутдинов ва бошқалар партия идеология ишининг ленинча принциплари, марксча-ленинча идеология роли-нинг ўсиши ва таъсирининг кенгайиши, қардош социалистик мамлакатлар партиялари идеология соҳасидаги ҳамкорлигининг кучайиши тўғрисида гапирдилар.

Область сиёсий маориф уйи методика советн марксизм-ленинизм асослари секцияси раҳбари, фалсафа фанлари кандидати, доцент А. Холмуродов конференция ишига якун ясади.

Конференцияда ўнув йилининг якунига тавсиялар берилди.

Ш. ТЎЛАГАНОВ,
область партия комитети сиёсий маориф уйининг консультанти.

ТОШКЕНТ—ЛЬВОВ:

ЙИГИРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон пойтахтидан Украинадаги Львов шаҳрига хат жўнатилди. Бу хатда «Малика» бирлашмасининг ёш йигирувчиси Шоира Холмуҳамедова ўзининг катта дугонаси, турдош «Луч» бирлашмасидаги мусобақадоши Нинель Ивановна Ионга ўз муваффақиятлари ҳақида хабар қилди: Шоира 1983 йил ҳисобига ишлай бошлади.

Икки ишчи аёлнинг дўстлиги олти йил муқаддам, Н. И. Ион касаба союз делегацияси составида Тошкентлик меҳнатчи аёллар ҳузурида меҳмон бўлган вақтида бошланган эди. Улар ўша пайтдан буён бир-бирларининг ҳузурида бир неча марта бўлишди, бир-бирларига тез-тез хат ёзиб туришди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг «Малика» ва «Луч» бирлашмалари касаба союз активлари социалистик мусобақани ташкил этиш, мураббийлик ҳаракатини такомиллаштириш соҳасида ўз тажрибаларини доимо баҳам кўрадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ

ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

«Депутат ўз фаолиятида умумдавлат манфаатларига амал қилади, сайлов округи аҳолисининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олади, сайловчиларнинг наказларини амалга оширишга эришади, — дейилади СССР Конституциясининг Халқ депутати тўғрисидаги бобининг 103-моддасида. Ана шу бахтимиз қомусида битилган сўзлар халқ депутатлари томонидан қандай амалга оширилаётганлигини Киров район Советининг депутати Мунира Аҳмедова тимсолида кўриш мумкин. Мунирани Киров район механизаторлар кечкиб келади. Шунинг учун яқин атрофимизда бирон бир алоқа бўлимини очиш масаласида келган эдик, дейишди вакиллар.

Ҳақиқатда ҳам Юнусобод массиви бўйича бор-йўғи учта алоқа бўлими бўлиб, булар янги катта массивнинг кун сайин кўпайиб бораётган аҳолисига хизмат қилиш учун етарли эмас. Айниқса 93-алоқа бўлимида аҳвол ночор эди. Юнусобод массивининг ҳамма микрорайонидаги кишиларнинг бу ерга келиб бирон-бир иш битказишлари қийин. Шунингдек, почтачилар ҳам корреспонденцияларни ўз вақтида чор-атрофга етказиб беришга қийналишар эди.

— Мен аъзо бўлган транспорт ва алоқа бўйича район Советидаги доимий комиссиянинг вазифаси нафақат камчиликларни топишдангина эмас, шу билан бирга уларни бартараф этишдан ҳам иборатдир. Мен бу масалани ана шу доимий комиссия мажлисига тайёрладим. Орадан кўп вақт ўтмай бу масала ижобий ҳал этилди,— дейди Мунира.

Ҳозирги пайтда аҳвол бутунлай яхши томонга ўзгарди. Массивда 188- ва 190-янги алоқа бўлимлари иш бошлади. Эндиликда хат ташувчиларнинг меҳнат шароитлари ҳам бир мунча яхшиланди. Юнусобод массивидаги А-3, А-4 микрорайонларининг аҳолиси хат ташувчиларидан миннатдор бўлишмоқда. Аҳолига бундай қулайлик яратишда район Советидаги транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссиянинг хиссаси бор.

Мунира Аҳмедова 186-алоқа бўлимига бошчилик қилиб келяпти. Киров район алоқа узелида 44 га бўлим бўлиб, шулардан 22 таси бевосита район территориясига жойлашган. 186-алоқа бўлими коллективи коммунистик меҳнат корхонаси, юксак маданиятли коллектив номини олиш учун 181-бўлим ходимлари билан ўзаро мусобақани йўлга қўйган. Бу вазифа муваффақиятли ҳал этилмоқда. 1979 йилнинг биринчи квартали тошшириқлари ўз вақтида бажарилди.

Бундай ютуқларга эришишда хизмат кўрсатишнинг совға-саломларни уйга элтиб бериш каби янги прогрессив формаларидан фойдаланилмоқда. Хат-хабарлар кунда икки-уч марта элтиб берилади. пенсионерларга нафақа элтиб беришни яхшилашда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Улуғ Ватан урушининг иштирокчиларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хат ташувчиларнинг меҳнатларини енгиллаштириш мақсадида хат-хабарларни механизациялашган усулда ташиш қўлланилмоқда.

Ишлаб чиқариш фаолиятини Советдаги ишим билан узвий боғлаб олиб бораман, дейди М. Аҳмедова. Чунки, СССРнинг янги Конституциясида:

«Депутат ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширади» дейилган.

— Икки чақиримдан бўён Киров район Советига депутат бўлиб сайланиб келмоқдаман, дейди ҳалқ хизматкори.— Советнинг транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссияси аъзоси, шунингдек 3-депутатлик группасининг аъзоси сифатида иш олиб бораман.

Бу йил биз бешта алоқа бўлимини техникасини планлаштириб қўйдик. Чунки уларнинг ишлари кўнгилдагидек эмас. Комиссиянинг олдига қўйган мақсади камчиликларнинг сабабларини топиш ва уларни бартараф этишдан иборатдир.

Халқ депутати Мунира Аҳмедованинг депутатлик фаолиятидан биргина мисол келтирик холос. У депутат бўлиб сайланганидан буён ўтган вақтда 35 АТС, Киров районидаги автобазалар ва автомобиль корхоналари, Киров район алоқа узелини ва бошқа ташкилотларни текшириб чиқди. Комиссия вақти-вақти билан «автодормехбаза»да текширув ўтказади, уларда М. Аҳмедова фаол қатнашмоқда.

А. ХЎЖАМОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1978 йилда пахта, дон, сабзавот ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишда катта муваффақиятларга эришганликлари, шунингдек меҳнат намуналарини кўрсатганликлари учун қуйидагилар СССР орден ва медаллари билан мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Мирзақулов Мамажон — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Умаров Қўчқор — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Кан София Унбамовна — Ғалаба районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Маҳмамова Наима — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Носиров Хўжа — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози» бригада бошлиғи.

Турсунов Мамат — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

Хожибеков Рашид — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози бригада бошлиғи.

Юзусов Ваҳоб — Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз бригада бошлиғи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураимов Турсунбой — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз механизатори.

Акрамова Санобар — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Деҳқонбоев Хусан — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз механизатори.

Дўсқулов Камол — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози трактурчиси.

Қаршиева Ойсанам — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Момбеков Кумусбек — Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхози бригада бошлиғи.

Муҳаммадиева Зуҳра — Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхоз-заводи ишчиси.

Сон Екатерина — Коммунистик районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Турсунов Мирсаид — Пискент районидаги Тельман номли колхози звено бошлиғи.

Туёқбоева Қурбон — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

II-ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Розиқова Нозикой — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

Ҳикматов Турғун — Калинин районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи.

III-ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдувалиев Исмат — Бўка районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Алламохунова Сотқиной — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» тажриба хўжалиги ишчиси.

Қолдибоева Жумагул — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Каримбетов Абди — Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз сувчиси.

Қулмонова Салима — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Содиқов Деҳқон — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози звено бошлиғи.

Сайдуллаева Тожихол — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Ҳайдарқулова Қорасоч — Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоси.

Ҳайтбоева Ўғилой — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Козим — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи ишчиси.

Абдуҳолиқов Абдулазиз — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози тракторчиси.

Бегалиев Акром Маҳкамович — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

Берберов Сеитумар — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи ишчиси.

Искандарова Ахтарам — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Исматов Илёс — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Каримов Мадиёр — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози ишчиси.

Ким Григорий — Ғалаба районидаги «Победа» колхози бригада бошлиғи.

Раимқулова Манзура — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли ишлаб чиқаришаграр бирлашмаси ишчиси.

Тешабоева Турди — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Умаралиева Адолат — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

Усубалиева Написа — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози ишчиси.

Холматов Ҳидирали — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз тракторчиси.

Цай Хя-Мен — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчиси.

Эмнова Гулбадан — Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи ишчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдувалиев Иноят — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз бригада бошлиғи.

Абдуллаева Саодат — Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Абдураимова Ойсулув — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Исмоилов Илсур — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзоси.

Қодирқулова Ҳабиба — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Каримова Саодат — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз аъзоси.

Мирзаев Мирзараҳмат — Бекобод районидаги «Ақангард» совхози бригада бошлиғи.

Овалбекова Хатира Пернабоевна — Калинин районидаги «Хасково» совхози ишчиси.

Раимқулова Марҳамат — Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Сандова Норой — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Саъдуллаев Отамурод — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз механик-ҳайдовчиси.

Султонов Нишон — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз тракторчиси.

Шодиев Дунёдор — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози сувчиси.

Йўлдошева Рихси — Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхози ишчиси.

Юн Владимир Енсеб. — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз звено бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1979 йил, 12 апрель.

„СУТ БУЛОҒИ“

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Анастасия Чудная Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» тажриба базасида 26 йилдан бери соғувчилик касбини эъзозлаб келаяпти.

Машҳур соғувчининг «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган «Сут булоғи» китобида унинг оддий соғувчиликдан ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишгангача бўлган оғир, шарафли меҳнат йўли ва тажриба базасидаги янгиликлар ҳикоя қилиб берилади. Китобнинг илк саҳифаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг муаллифга йўллаган мактуби билан очилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев А. Чуднаяни... «юксак малакали мастер, чинакам собитқадам ва ўз касбига меҳр қўйган киши» сифатида таърифлайди ва унинг ишларига юксак баҳо беради.

Дарҳақиқат, китоб билан танишар эканмиз, моҳир сут соғувчининг бахт ва меҳнатнинг юксак чўққиларига осонлик билан кўтарилмаганлигига, бунинг учун эса узоқ йилларнинг бетиним изланиш, қунт ва ҳалол меҳнат қилинганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Муаллиф «Красний водопад» тажриба базасида чорвачилик фермасини комплекс механизациялаш ва сигирларни аппаратда соғишга ўтиш жараёни бениҳоя диққат-эътибор, кўп куч, билим ва малака талаб қилганлигини бирма-бир кўрсатиб ўтади. «Янги аппаратнинг муваффақиятли ишлашига ва унга тўлиқ ишонч ҳосил этишга осонликча эришилмади. Аппарат дастлаб ишлатилган ойларда, айниқса, катта қийинчиликларга дуч келдик. Ишимиз юришмай қолган вақтлар ҳам кўп бўлди. Сигирларни соғиш залига киритишга ўргатишда анча қийналдик, ҳайвонларнинг «қайсарлигини» ҳам енгишга тўғри келди».

Соғувчи-оператор меҳнатни ташкил қилишда социалистик мусобақанинг беҳад катта кучи ҳақида чуқур мулоҳаза юритади ва «социалистик мусобақа меҳнатда улкан ютуқларга эришишга энг ишончли ва асосий восита, деб ҳисоблайман» деган ҳаққоний хулосага келади. Бу фикр конкрет далиллар билан тўла асослаб берилади.

Муаллиф ўз китобида мусобақа билан боғлиқ бўлган яна бир масала — меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг аниқ йўл-йўриқлари ва туб афзалликлари хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтган. Бунда у сигирларни соғиш ва боқиш технологияси, машиналар системаси, соғиш техникасининг тузилиши ва ундан фойдаланиш ҳақидаги суҳбатларни тинглаш билан бирга, амалий машғулотлар ўтказадилар. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзлаштириб оладилар.

Китоб муаллифи тажриба мактабида қилинаётган ишлар тўғрисида ёзар экан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Красний водопад» тажриба базасидаги «илғор тажрибалар мактаби»нинг фаолиятини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган 1977 йил январь қарорининг асосий мазмунига алоҳида эътибор беради.

Маълумки, киши умрининг аксарият қисми коллективда ўтади. Китобда шахс камолотида коллектив ўйнайдиган ролнинг қанчалик катта эканлиги ҳақида аниқ, тўғри фикр юритилади ва унга юксак баҳо берилади: «Одамлар бирбирига самимий, дўстона ва ҳурмат билан муносабатда бўладиган меҳнат коллективида кўтаринки руҳ билан ишлайди киши».

Ҳа кўтаринки руҳ билан ишлангандагина киши чинакам жасорат кўрсата олиши мумкин. Машҳур соғувчи шахс ва коллектив роли тўғрисида ёзаркан, масаланинг бу томонига доимо қунт ва эътибор билан ёндошиш зарурлигини таъкидлайди.

«Сут булоғи» китобининг хотима қисмида партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш, бу соҳани саноат асосига кўчириш борасидаги улкан ёрдами ва ғамхўрликлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Кўп йиллик меҳнат ва ҳаёт тажрибаси асосида ёзилган бу китобнинг қиммати шулар билангина чекланмайди, албатта. Унда чорвачилик билан алоқадор бошқа кўпгина масалалар ҳам ўртага қўйилади ва улар муваффақиятли ҳал қилинади.

Б. ДЎСТХЎЖАЕВ,
О. ИСКАНДАРОВ.





Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўртасарой» парранда-чилик фабрикаси ишчилари байрамолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, Аня Механошина ва Бибихон Хисамова (чапда) янги очирилган жўжаларни бир ой боқиб, кунига 5 грамм ўрнига 8 граммдан семиртиришга эришмоқдалар. Ўнгдаги суратда бригада бошлиғи Рустам Энверов билан паррандабоқар Галина Османова жўжалар ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

А. Абалян фотолари.

«ЎЗГАРИШ»ДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумида қилган докладида ёрдамчи хўжаликлар ишини яхшилаш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу кўрсатмага амал қилаётган Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ёрдамчи хўжалигини ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқда. Темирйўлчиларнинг Самарқанд областидаги «Самарқанд», Сирдарё областидаги «1 Май», Тошкент областидаги «Ўзгариш» ёрдамчи хўжаликлари ҳар йили кўплаб мева, узум, гўшт, сут, тухум каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бермоқда.

Йўлдош шаҳарча ёнида жойлашган «Ўзгариш» совхози эндиликда минг гектар экин майдонига эга. Бу хўжаликда рус, ўзбек, қозоқ, татар, мордвин, чуваш каби ўндан ортиқ миллат вакиллари бир оила аъзоларидек меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳалол меҳнатлари қувончли натижалар бермоқда. Ўтган йили совхоз меҳнаткашлари темирйўлчилар дастурхонига 811 ўрнига 1030 тонна сабзавот, 430 ўрнига 520 тонна мева тортиқ этишди. Шунингдек, 6494 центнер сут, 2030 центнер гўшт, 1 миллион 51 минг дона тухум етиштирилди. Йил давомида 150 тонна консерва маҳсулотлари, 5 минг килограмм асал тайёрланди. Бошқача қилиб айтганда, 1 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Хўжалик жами 172 минг сўм соф фойда олди. Бу рақамлар 1977 йилдагига нисбатан анча кўп.

Ўтган йили совхоздаги 170 бош сигирнинг ҳар биридан 3820 килограммдан сут соғиб олинди. Гўштга топширилган қорамолнинг ўртача оғирлиги 470 килограммдан кам бўлмади. 180 ўрнига 189 бош бузоқ, 1250 ўрнига 1530 бош чўчқа боласи олинди. Хўжалик ҳар йили Калинин районидаги колхоз, совхозларга зотли бузоқлар етказиб бермоқда. Ўтган йили Свердлов номли совхознинг чорва комплекси учун 55 ўрнига 66 бош қора-ола зотли гунажин жўнатилди.

Совхозда меҳнатсевар, фидокор кишилар кўп. Нигирмадан зиёд киши ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланган. И. Бабенко, Д. Содиқов, А. Корнилов сингари механизаторлар, С. Тожибоева, Г. Шамшуарова, Х. Назимова каби сабзавоткорлар, Г. Ҳасанова, Н. Машина, Б. Фазлиев, М. Шолдаева каби чорвадорлар совхознинг фахри.

Шуниси қувончлики, хўжалик меҳнаткашлари қилган меҳнатларига яраша мўмай даромад олишмоқда. 1978 йилда улар 32 минг сўм қўшимча мукофот олишди. Бу 1977 йилдагидан икки баравар кўпдир.

Совхоз қишлоғи ҳам йилдан йилга обод бўлиб бормоқда. Ўтган йили 15 оила ҳовли тўйи қилди. Янги магазин ва чорва корпуси фойдаланишга топширилди. Бу биноларга темирйўлчилар томонидан қуриб берилди. Темирйўлчилар бу йил яна ёрдамчи хўжаликдаги 8 оилага мўлжалланган турар-жой, 200 бош учун чўчқахона, 100 бош учун бузоқхона қуриб беришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Умуман, Ўрта Осиё темирйўлчилари ёрдамчи хўжаликларни саноат асосида ривожлантиришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйишган. Чорва комплексида деярли барча иш механизациялаштирилган. Сут соғиш, чиқиндиларни олиб чиқиш, озуқа тарқатиш каби ишлар техника ёрдами билан бажариляпти. Совхозда сабзавотларни қонсерва қилиш цехи ташкил этилган. Цех йил сайин кенгайиб бормоқда. Агар 1977 йилда бу ерда 80 тонна консерва тайёрланган бўлса, ўтган йили 150 тонна тайёрланди. Бу йил эса 200 тонна сабзавот консерваси тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Чорва комплексида творог тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари бу ерда чорва молларини сўйиш цехи ҳам мавжуд.

Айни пишиқчилик пайтида совхоз деҳқонлари сабзавот ва мева жўнатишда қийналишмайди. Хўжаликнинг ўзида яшик тайёрлаш цехи бор. Ҳозир бу цех ишчилари 1978 йил ҳосили учун 2 минг донадан ортиқ турли хил яшик тайёрлаб қўйишди.

Совхоз ўндан ортиқ енгил ва юк машинасига, 35 та турли маркадаги тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасига эга. Ҳозир буларнинг ҳаммаси ремонт қилиниб, экиш мавсумига тахт қилиб қўйилган.

Ўнинчи беш йилликнинг охирида «Ўзгариш» совхози коллективи соғин сигирлар сонини 200 бошга, жами қорамолни 700 бошга, чўчқалар сонини 2000 бошга, сут етиштиришни 740 тоннага, гўштни 260 тоннага етказиш учун курашмоқда.

Н. ҚОДИРОВ.

Жаҳон янгиликлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Нян Зан» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятининг ўттиз йиллик тажрибаси ана шу халқаро ташкилотга аъзо бўлган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлиги ва биргаликда иш олиб бориш принциплари ҳаётий кучга эга эканлигини яққол тасдиқлади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қўлга киритган муваффақиятларига шак-шубҳа йўқ, деб таъкидлайди газета. Экономика, фан ва техника соҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида уюштирилган ҳар томонлама ва мустаҳкам ҳамкорлик ҳар бир мамлакатнинг экономикасини янада ривожлантиришга, умуман социалистик ҳамдўстлик кучларининг қудратини оширишга ёрдам беради. Ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглик ва ўзаро ёрдам принципларига асосланган самарали ҳамкорлик социалистик давлатлар халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади. Қардош мамлакатлар космонавтларининг космик фазони тадбиқ этиш программасига мувофиқ биргаликда парвоз қилаётганлиги кучайиб бораётган алоқаларнинг муҳим формаларидан бири бўлиб қолди. «Нян Зан» газетаси Вьетнам Социалистик Республикасининг ўтган йили Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлиб кирганлиги жуда катта аҳамиятга молик, деб таъкидлайди. ВСРнинг экономикаси социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг ёрдам ва мадади билан дадил ҳамда тез ривожланиши учун ҳамма шарт-шароитларга эга-дир.

«Нян Зан» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: Пекин социалистик Вьетнамга тазйиқ кўрсатаётган бир шароитда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар ВСРда турли объектлар қурилишини давом эттирмоқдалар. Вьетнамда халқ хўжалигини тиклаш ва социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга кўмаклашмоқдалар. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар мамлакатимизда кўплигина саноат корхоналарини қуришда қатнашмоқдалар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги туфайли кун сайин конкрет натижаларга эришилмоқда. Муҳим лойиҳалар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳалар, деб уқтириб ўтади газета, қардош мамлакатлар ҳамкорлигининг узоқ келажакка мўлжалланган йўналишлари, стратегияси ва мазмунини белгилаб беради.

РЕВОЛЮЦИОН ЭФИОПИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

АДДИС-АБЕБА, (ТАСС). Эфиопия революцияси империалистик агрессия ва ички реакция устидан катта ғалабаларга эришгандан кейин кенг халқ оммаси ҳозир эксплуатация ва жабр-зулмдан халос бўлган социалистик жамият пойдеворларини қуришга киришди. Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси Менгисту Хайле Мариам шу ҳақда гапирди.

У Каффа вилоятининг маъмурий маркази Жимма шаҳрида ўтказилган оммавий митингда сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: миллий экономикани ҳар томонлама ривожлантириш ва барча табиий ресурслардан ҳамда ишчи кучларидан энг кўп фойдаланиш асосида меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш — ҳозирги босқичда Эфиопия революциясини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифадир.

Шу муносабат билан Менгисту Хайле Мариам меҳнаткашларни меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ижодий активликни кучайтиришга чақирди.

Деҳқонлар билан ишчилар синфининг иттифоқи мустаҳкамланаверади, Эфиопияда барча миллатларнинг чинакам тенглигига эришилади.


Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурияти-нинг раиси жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, вилоятларда хотин-қизлар уюшмаларини вужудга келтириш зарур эканлигини айтди. Меҳнаткашлар партияси тўғрисидаги масала, деди у, Эфиопия революциясини янада ривожлантиришда алоҳида ўрин олади. Бу партияни барча чинакам марксистлар-ленинчи бригаликда куч-ғайрат сарфлашлари натижасида тез орада ташкил қилиш керак.

Экстремист унсурларнинг ҳаракати натижасида ички сиёсий аҳвол кескинлашганлиги муносабати билан 1978 йилнинг декабрь ойида Туркиянинг бир қанча йирик вилоятларида ҳарбий ҳолат жорий этилган эди.

ҚУВАЙТ. Миср режими Исроил билан сепарат шартнома тузгандан кейин Яқин Шарқда империализм жандарми ролини бажаришга киришди. Қувайтда чиқарилган «Ал-Кабас» газетасининг хабар беришича, Миср президенти Садат Уммон султонлигидаги Миср қўшинлари сонини 15 минг кишига етказишга қарор берган.

Маълумки, Эроннинг янги ҳукумати Султон Қобуснинг чиқиб кетган режимини ўз халқидан ҳимоя қилишдан воз кечганидан кейин Эрон қўшинлари чақириб олинган эди. Миср қўшинлари ана шу қўшинларнинг ўрнини эгаллайди.

(ТАСС).



Суратда: Афғонистондаги Жалолобод суғориш каналида қурилган сув электр станцияси. Мазкур комплекс СССР ёрдамида бунёд этилган.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

УЛАН-БАТОР. Бу ерда Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. Пленум мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларида илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Пленумда МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хурали президиумининг раиси Ю. Цеденбал нутқ сўзлади. У социалистик мусобақа республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эканлигини айтди ва социалистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг, аввало КПССнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий этиш зарур эканлигини таъкидлади.

Ю. Цеденбал халқаро проблемаларга тўхталиб, Совет Иттифоқининг тинчлик ва инсоният тараққиёти манфаатлари йўлида замонамизнинг энг зарур масалаларини ҳал этишга қаратилган таклифларига алоҳида эътибор берди.

ЖЕНЕВА. Бу ерда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка музокараларида қатнашаётган СССР ва АҚШ делегациялари яна учрашдилар.

АНҚАРА. Туркия парламенти ҳукуматининг мамлакатнинг ўн уч вилоятида фавқулодда ҳолат муддатини узайтириш, шунингдек яна бошқа олти вилоятда бу тадбирни жорий этиш ҳақидаги қарорини кўпчилик овоз билан маъқуллади.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

МАРИЯ Маматова бошлиқ бригада Ильич номли колхозининг юқори ҳосилли коллективларидан бири ҳисобланади. Ўтган йилги мураккаб шароитда ҳам бу жамоа коллектив ҳосилдорликни 40 центнердан камайтирмади.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан илҳомланган илғор бригада пахтакорлари хўжаликда биринчи бўлиб 65 гектар ерга қисқа қунда сифатли барака уруғи қададилар. Уз касбининг устаси ҳисобланган механизатор — звено бошлиғи Матан Раҳматалиев қунига 10—12 гектар ерга чигит экиб, мўл ҳосилга замин яратишга катта ҳисса қўшди.

Шу кунларда текис униб чиққан ниҳолларни сифатли парваришлаш, қўчатнинг тўла бўлишини таъминлаш учун қизғин қураш давом этаётир. Бригада коллективининг асосий мақсади — бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказишдир.

Колхознинг Умар Юсупов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳам илғорларга эргашиб, 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олди. Бундан ташқари комсомол-ёшлар 20 гектарга маккажўхори экиб, хўжалик чорваси учун сифатли силос етказиб беришга аҳд қилишган. С. Тўқсонова, М. Анорбоева, А. Сафаров ва Т. Сафаровлар сингари серғайрат комсомоллар юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Бу йил хўжаликнинг Тен Сам Ким бошлиқ пиёзчилик бригадаси аъзолари ҳам юксак социалистик мажбуриятни олишган. Бригада механизатори А. Жалиқулов 23 гектар майдонга «Қоратол» навли пиёз уруғи сепди. Ҳозир бригаданинг Афанасий Пак, Виктор Тен, Ким Чан Ким, Александр Ким сингари тажрибали деҳқончилар пиёз уругини тўлиқ униб олиш, уни сифатли парвариш қилиб, давлатга камида 300 тонна маҳсулот етказиб бериш учун курашда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳ. АСРОҚУЛОВ,
Ю. АНОРБОЕВ.
Бўка райони.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

1 МАЙ дастурхони тўкин ва маъмур бўлса, қандай яхши. Жойларда эл дастурхонини намунали безаш учун тайёргарлик ишлари барвақт бошлаб юборилди. Мухбирларимиз бир қатор ташкилот ва корхоналарда бўлишиб, масъул ўртоқлардан амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар.

О. В. МАНОЙЛОВА — Тошкент нон-булка комбинатининг технологи: — Байрам кунлари комбинатимизда 40 дан ошиқ турдаги кондитер-булка нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мағизли, сеналли ва олий сифатли ундан тайёрланган маҳсулотларни кўплаб савдо шаҳобчаларига етказиб берамиз. Байрам арафасида ишлаб чиқарилаётган 4 хилдаги печеньега давлат Сифат белгиси берилганлиги қувончли бўлди. Фахрий беш қиррали «Кўриқ», «Салом» деб номланган маҳсулотлар дастурхонга кўплаб етказиб берилади. «Лола», «Олимпиада-80» деб аталган тортларни ҳам биринчи марта дастурхонларга тортиқ қиламиз.

А. ШАРИПОВ — «Ўртоқ» кондитер фабрикаси директори: — Дастурхон файзига файз қўшишда биз қандолатчиларнинг ҳам ҳиссаси борлигини яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам байрам кунларида кўплаб сифатли ширинликлар етказиб бериш тадбирларини кўриб қўйганмиз. Ҳозиргача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 740 тонна кўп кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шуниси қувончликки, ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг 48.6 процентга давлат Сифат белгисига эга. Байрам арафасида фабрикамиз муҳри билан чиқадиган «Оқ олтин», «Тошкент», «Дўстлик» сингари шоколодлар савдо шаҳобчаларига кўплаб етказиб берилади.

М. И. БОГДАНОВА — Тошкент шаҳар савдо бошқармасининг ташкилий бўлими бошлиғи: — Байрам арафасида, яъни 29—30 апрель кунлари шаҳардаги барча озиқ-овқат магазинлари ва гастрономлари соат 8 дан 24 гача ишлайди. 20 та магазин эса байрам дастурхони учун аҳолидан буюртмалар қабул қилади. Магазинларда байрам дастурхони учун 100 минг донадан кўпроқ турли хил совғалар тайёрланди. Бундан ташқари байрам кунларида 40 та автолавка, 700 дан ортиқ сув ва мороженое билан савдо қиладиган дўконлар ишлайди. Ҳамма ерда савдо хизмати маданияти яхшиланади.



Пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли республика пионерлар Саройининг «Юлдуз» ансамбли 1 Май байрамига атаб янги концерт программаси тайёрлади. Суратда: ёш санъаткорлар машқ қилишмоқда. А. Усмонов фотоси.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 ДА

«ГЎЗАЛ» ЁШЛАР АНСАМБЛИ ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

Гулшод ОТАБОЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Баҳром МАВЛОНОВ.

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Урбугул СУИЕРБОЕВА, Ҳасан КАРИМОВ, Комилжон НЕҒРОҲИМОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Гулнора ОДИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА.

Юмор ва интермедияда: Абдуфаттоҳ САИДОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Оригинал жанрда Саттор ИСЛОМОВ.

Ансамблнинг раҳбари — Султон АКВАРОВ.

Программани — Светлана ТАГИРОВА олиб боради.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

1, 2 МАЙ СОАТ 14.00 ва 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

Олмахон ҲАЙИТОВА, Ҳолисхон ҚОДИРОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар Ҳамидов, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА;

Интермедия ва юморда: Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Мусиқа раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАҲЛОЕВ олиб боради.

Ўзбек Давлат филармониясининг бадиий раҳбари — Ғани ТЎЛАГАНОВ.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ва Свердлов номли концерт зали кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ҚОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область матлубот жамиятлари союзининг Тошкент область тайёрлаш-сотиш базаси тайёрлаш дўконлари орқали чекланмаган миқдорда жун, тери ва мўйна, ҳом ашёларини

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Прейскурант бўйича ҳақ тўланади.

Мўйна ҳом ашёларини топширувчи шахслар билан: ҳом ашёни қабул қилиш ва концентрлашган озуқаларни, металл сеткаларни, мотоцикллар ва бошқа товарларни сотиш (топшириш) бўйича

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛАДИ

Тайёрлаш пунктлари Октябрь, Олой, Госпиталь бозорларида жойлашган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, Прохладный проезди, 2-уй. Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.

93-ихтисослаштирилган трестнинг «ЭНЕРГОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Технологик ускуналар ва қозон қурилмаларини монтаж қилиш бўйича монтажчиларни тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАНЛАР, ШУНИНГДЕК, ИХТИСОСГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида тингловчиларга ҳар ойда 75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Курсларни битирган монтажчилар Тошкент шаҳри ва областидаги объектларда ишлайдилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 59 «а»-уй (103-автобуснинг «Ипподром» бекати). Телефон 76-66-81.

ЖАҲОН НАБОТОТИ ЖАМЛАНГАН МАСКАН

ЕТТИ ИҚЛИМГА САЁҲАТ

...Йўл давом этаётир. Шарқий Осиё билан танишиб, Узоқ Шарққа ўтдик. Бир зумда ҳамроҳларимиз турли томонларга тарқалдилар. Улар яна фотоаппаратларини ишга солишади. Манзара бирам гўзалки, ундан кўз узгинг келмайди, киши.

— Ўртоқлар тезроқ! Ҳали олдимизда анча манзиллар бор. Урта Осиёни, Европани, Шимолий Американи айланишимиз керак. Бунинг учун бор-йўғи бир соат вақт ажратилган холос, — дея шоширади экскурсиямиз бошлиғи илмий ходим Екатерина Моисеева.

Унинг гапини таржимонлар шу заҳотиёқ инглиз, француз ва бошқа тилларга ағдардилар.

Машинамиз зум ўтмай Урта Осиёга етиб келади. Яна кўз ўнгимизда гўзал манзара. Баҳор бор ҳусн латофатини намойиш қилаётир. Булбуллар хонаки майналар овозига ҳамоҳанг бўлиб, киши қулфи дилини очади...

Албатта, бу хилдаги антика саёҳат тафсилоти кўпчиликни ажаблантираётгандир. Айниқса етти иқлимни айланиш учун 1—1,5 соат вақт сарфланганлиги.

Ҳаммаси оддий. Машинамиз 20 ўринлиққа эга бўлган автокара. Тезлиги ўртамиёна. Босиб ўтилган масофа эса... бор-йўғи 16 километр.

Ҳа. биз бир гуруҳ ажнабий сайёҳлар билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тошкент Ботаника боғида сайр қилдик. Дарвоқе, бу ерга чет эл мамлакатларидан, бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларидан, республикамиз областларидан тез-тез табиат ихлосмандлари — саёҳатчилар келиб туришади. Улар ўсимлик дунёсининг республикамиз шароитида учрамайдиган ноёб турлари билан танишадилар. Гўзал манзаралардан завқланишади.

Мутахассислар «бу ерда йўқ ўсимликнинг ўзи йўқ экан...», деб ҳазил мутойиба қилишади. Албатта, бу гапда ҳам жон бор. Тошкент Ботаника боғи шартли равишда беш минтақага бўлинган. Боғ ичкарисидаги спиралсимон айланма йўл Шарқий Осиё, Узоқ Шарқ, Европа, Урта Осиё, Шимолий Америка ўсимликларини бирбиридан ажратиб туради. Ҳар бир зона табиати, ўсимлик дунёси билан айнан Ер курасининг ўз номи билан аталган қисмини эслатади. Улар учун умумийлик эса битта — иқлим шароити.

ДУНЁ ТАН БЕРГАН БОҒ

Саёҳатчиларнинг кўпчилиги ўз таассуротларини «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига ёзиб қолдиришади. Уларнинг дастхатлари жаҳон халқларининг турли тилларида битилган. Аммо, мазмуни деярли бир-бирига яқин: Тошкент Ботаника боғида ўсимлик дунёсининг бой коллекцияси тўпланган. Улар намунали парваришланмоқда, сақланмоқда.

Дарҳақиқат, 80 гектар майдонни эгаллаган боғда етти иқлим ўсимликларининг 6 мингдан зиёд тури жамланиб, парвариш қилинмоқда. Улардан 2,5 минг турини бутаплар, дов-дарахтлар ташкил этади. Агар ҳар бир турдаги ўсимлик ёки дарахтнинг ўртача сонда 70—100 хил навининг мавжудлиги тасаввур қилинса, Ботаника боғининг нуфузи, қадр-қиймати яна ҳам ортади.

Боғда мевали, игнабарг, манзарали дарахтлар салмоқли ўрин тутади. Бундан ташқари, бу ерда дори-дармон, каучук, бўёқ, крахмал, сирка, ёғ, қоғоз олинадиган дарахтурлари ҳам мавжуд. Улар республикамиздаги Ботаника Урмон хўжалиги, Р. Р. Шредер номли, ўсимлик моддалари химияси, Фармакология институтлари олимлари билан ҳамкорликда ўрганилмоқда ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Бу ерда биргина дори-дармон берадиган 330 хил ўсимлик бор. Шулардан 21 хил доривор ўсимлик тўлиқ ўрганилди. Ҳозир улардан фармацевтика соҳасида фойдаланиляпти. Жумладан, юракка таъсир қиладиган глюкозитлардан бири строфантин боғда кўплаб ўсаётган Шимолий Америка киндери дарахти таркибида аниқланди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Шунинг учун ҳам Ботаника боғида амалга оширилаётган ишларга фақатгина сайёҳлар эмас, жаҳоннинг йирик олимлари ҳам тан беришмоқда. Фикримизни инглиз олими Эдуард Гэлмисснинг 1969 йил Лондон шаҳрида чоп этилган китоби ҳам исботлайди. Олим «Жаҳоннинг йирик ботаника боғлари» деб номланган асарида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тошкент Ботаника боғига юксак баҳо бериб, уни жаҳондаги машҳур 42 улкан боғнинг сардорлари сафига қўшади.

Орадан ўтган 10 йил мобайнида эса боғ яна ҳам гўзаллашди, кўркамлашди. Олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами, ҳал қилинаётган муаммолар салмоғи ҳам унинг шон-шуҳратини орттирмоқда.

ҲАМКОРЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

«СССР. Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғига».

Устига мана шундай адрес ёзилган пакетлар қарийб 27 йилдан бери бу ерга мунтазам келиб туради. Ботаника боғи ташкил этилган дастлабки йиллардан бошлаб чет эл мамлакатлари билан уруғ алмаштириш йўлга қўйилган. Чет эллардан олинадиган уруғлар лабораторияда мутахассислар томонидан ўрганилади ва махсус ажратилган участкаларга экилади. Униб чиққан ҳар бир ўсимлик учун махсус тахтачадан гувоҳнома ёзилади. Унда ўсимлик номи, Ватани ва экилган вақти кўрсатилади. Уруғ ерга тушиши билан бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари бошлаб юборилади.

— Бугунги кунда биз жаҳоннинг 54 мамлакатидаги 376 та, Совет Иттифоқидаги 245 та ботаника боғлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди кичик илмий ходим, уруғчилик лабораториясининг мудири А. Д. Барыльникова. — Ҳамкорликнинг энг асосий формаси почта орқали уруғ солинган пакетлар алмаштиришдир.

Биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ чет эл мамлакатларидан 4 мингга яқин уруғлик намуналари олинди. Уруғ асосан социалистик системасидаги мамлакатлар, Австрия ва Англия, Голландия ва Ирландия, Португалия ва Швеция, Япония ва Канада, Покистон ва Ҳиндистон ҳамда бошқа давлатлардан келади.

Айниқса, АҚШдаги илмий муассасалар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Вашингтон штатининг Сиэтледаги, Иллинойс штатининг Лизледаги илмий муассасалари билан, Нью-Йорк штатининг Бронксдаги, Калифорния штатидаги ботаника боғлари билан мунтазам равишда кенг кўламда уруғ алмаштириляпти.

Айни вақтда, серқуёш республикамизда ўсадиган ўт-ўланлар, дов-дарахтлар уруғларидан намуналар чет элларга юборилмоқда. Масалан, ўтган йили жаҳоннинг турли мамлакатлари Ўзбекистонда ўсадиган ўсимлик уруғларининг 2 мингдан ортиқроқ намунасини олдилар.

Бу хилдаги ҳамкорлик ўсимлик дунёсини янада яхшироқ тушуниш, илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш, энг муҳими эса, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент Ботаника боғи фақатгина ўсимлик турларини коллекциялайдиган, музей эмас, айни вақтда йирик илмий-тадқиқот институти ҳамдир. Бу ерда бешта лаборатория бўлиб, уларда 20 нафар фан доктори ва фан кандидати, 53 нафар илмий ходим ўсимликларнинг яшаш сир-асрорларини ўрганишмоқда.

— Олимларимиз олдида турган асосий вазифа ўсимликларни интрадукциялаш ва иқлимлаштиришдан иборат, — дейди Ботаника боғи директори биология фанлари доктори Аҳмад Усмонов.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, мавжуд ўсимликларнинг қарийб 88 процентини республикамиз иқлим шароитига мослашиб, яхши ривожланади. 12 процент ўсимлик эса бизнинг иқлим шароити билан «тил топиша олмайди», ёки ёмон ўсади. Олимларнинг фикрича, ана шу ўсимликларни иқлимлаштириш айни вақтда истиқболли ҳам бўлиши мумкин.

Иқлим шароитимиз «ёқмайдиган» ўсимликларни республикамизга мослаштириш соҳасида катта илмий ишлар олиб бориляпти. Жумладан танлаш йўли билан бир қатор ўсимликларнинг табиати ўзгартирилди. Ёки, дурагейлаш йўли билан ўз ўтмишдошларининг бир қатор хусусиятларини сақлаб қоладиган янги навлар яратилди. Улар иқлим шароитимизга тўла мослашмоқда. Шунинг учун ҳам чет элдан келтирилган қатор ўт-ўланлар, дов-дарахтлар республикамизда муқим ўсадиган бўлиб қолди.

Олимларнинг самарали изланишлари республикамиз миқёсида ўсимликларни интрадукциялаш ва иқлимлаштириш усулларининг илмий асосларини яратди ва мукаммаллаштирди. Шунинг учун ҳам ўлкамизда ўсимлик дунёси янада кенгайиб бораётир. Ҳозирги кунда шаҳарларимизни ободонлаштириш учун 180 хил манзарали дарахт, колхоз ва совхозларда кўпайтириш учун 220 хил шифобахш ўт-ўланлар етказиб берилди. Айни кунларда эса, 58 хил ўсимлик халқ хўжалигига жорий қилиш учун тайёрланмоқда.

Бундан ташқари Ботаника боғи ходимлари ҳар йили республикамиз маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлари учун 40 минг туп атиргул, 30 минг туп манзарали дарахт, 50 минг туп турли хил ўсимликлар етказиб берётирлар. Шунинг учун ҳам йил сайин шаҳарларимиз анвойи гуллар, манзарали дарахтлар масканига айланиб бормоқда.

Р. ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҚАРИЯНИНГ ДОНОЛИГИ

(йўл-йўлакай)

Кул ранг бўйрадек чўзилган йўлнинг адоғини кўз илғаманди. От туёқларининг, автомобиль ва трактор ғилдиракларининг излари йўлни тилимлаб ташлаган.

Кечга томон мана шу йўлда ёш бир йигит юриб борарди. Унчалик шошмасди, у узоқ бўлмаган бир қишлоққа равона бўлаётган эди. Йўл устида ҳасса ушлаган қария йўлиқди. Соч-соқоллари қордек оппоқ.

— Ассалому-алайкўм!

— Ваалайкум ассалом, омон бўл ўғлим.

— Янтоқсойга яқин қолдими?

— Боравер, — деди қария.

Йигит ўз саволига қарияни эшитмади деб ҳаёл қилди-да, қайтариб қаттиқроқ сўради:

— Янтоқсойга қачон етиб бораман, отахон?

— Кетавер, — деди қария йигитга қараб. — Қани, йўлга туш.

Йўловчининг бироз жаҳли чиқди шекилли, қўл силтаб йўлга тушди.

— У қишлоққа бир соатда етиб борасан, ўғлим, — деган овоз уни тўхтатди.

Йигит тўхтаб орқага қайрилди. Чолга яқин келиб сўради.

— Отахон, нега менга бирданига жавоб беролмадингиз?

— Мен ахир сенинг қандай юришингни — қадаминг секинми ёки тезми, кўрмоқчи эдим, — деди оқсоқол.

Халқимизда бировга маслаҳат бериш ёки бир хулосага келишдан олдин пухта ўйлаб кўриш ҳақида ўгитлар жуда кўп. Мана шу қария ҳам менга ўша ўгитлардан бирини эсга солди.

Б. АКСАНИЧ.

МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1979 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ҲАҚИДА

Халқаро байрам — 1 Май куни В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойиш соат 10.00 да бошланади.

Намойишда иштирок этувчи меҳнаткашлар вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бўйича ўзларининг йиғилиш пунктларига тўпланадилар ва В. И. Ленин майдонига белгиланган маршрут бўйича район колонналари бўйлаб йўл оладилар.

В. И. Ленин майдонига таклиф билети билан кириш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Шаҳарнинг марказий қисми, Навоий, Энгельс, Карл Маркс, Пролетар, Шота Руставели, Ўзбекистон кўчалари, В. И. Ленин номли проспект бўйлаб махсус пропускаларга эга бўлган машиналардан ташқари транспортнинг барча турлари ҳаракати соат 7.00 дан тўхтатилади ва намойиш тугагач транспорт ҳаракати бошланади.

Тошкент метрополитени 1 Май куни эрталаб соат 6 дан тунги соат 2 гача ишлайди. «Пахтакор» ва «Октябрь революцияси» номли станцияларидан эрталаб соат 8 дан 13 гача фақат чиқиш мумкин. «В. И. Ленин номли майдон» станцияси эса бу вақтда ёпиб қўйилади. Соат 13 дан бошлаб метрополитеннинг барча линиясида ҳаракат тўла очилади.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ОЛТИНЧИ ТУРНИНГ ИККИ ЎЙИНИ

Олий лига командалари ўтган куни ва кеча олтинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Пойтахт торпедочилари ўз майдонларида Минск динамочиларини қабул қилиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Биринчи бўлимда «Динамо» ҳужумчиси Пудишев ҳисобни очди. Пропеконка эса иккинчи тўпни киритиб командасини олдинга олиб чиқди. Учрашув тугашига 15 минут қолганда автозаводчилар битта тўп киритаолдилар, холос.

Ленинградда «Зенит» билан Ростов Доннинг Армия спорт клуби командалари учрашди. Ўйиннинг биринчи бўлимида майдон эгалари иккита тўп киритдилар. Лекин иккинчи бўлимда устунликни сақлаб қололмай, учрашувни 2:2 ҳисобида дуранг қилишди. «Зенит» ўйинчиси Казачёнок ва армиячи В. Бондаренколар 11 метрлик жарима тўпларидан фойдалана олмадилар. Ҳар иккала ҳолатда ҳам дарбозабонлар Ткаченко билан Кушнарёвлар устун келишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ОЛДИНДА

Монреалдаги йирик шахмат мусобақасида иштирок этаётган жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўз ватандоши Михаил Талга бир кунгина пешқадамликни берган. яна олдинга ўтиб олди. Чемпион 11-турда қора доналар билан ўйнаб, Голландиялик Ян Тимманни мағлубиятга учратди.

— Чемпион жуда ажойиб ўйин кўрсатди, — деди мусобақа ташкилотчиларидан бири канадалик мастер Камил Кодарий.

А. Карпов 11 турдан кейин бир учрашувни кечиктириб 7,5 очко тўплади. Михаил Тал ҳисобида 7 та очко ва бир кечиктирилган ўйин бор.

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида ўтказилаётган мусобақаларнинг яна икки тури классик кураш ва шахмат бахсларига якун ясалди. Полвонлар Бухорода куч синашишган бўлса, шашкачилар Тошкентда дона сурishди.

Полвонларнинг беллашувларида тошкентлик спортчилар пешқадамлик қилишди. Б. Омеров, А. Баранов, А. Гришко. В. Киселёвлар ҳурмат шохсупасининг энг юқорисига кўтарилиб, спартакиада чемпиони бўлдилар.

Бухоро полвонлари иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринни эгаллашди.

Шашкачиларнинг мусобақаси ҳам тошкентликларнинг устунлигида ўтди. Ҳал қилувчи учрашувда Самарқанд командаси билан бўлган ўйинни 4:4 ҳисобида дуранг қилган пойтахт шашкачилари жами 9,5 очко тўплаб, биринчи бўлишди. Иккинчи ўринда қолган Самарқанд командаси голибга бор-йўғи ярим очко ютқазди. Фарғона области шашкачилари ҳам кучли учликдан жой олишди.

АФҒОНИСТОНГА ХАЛҚАРО УЧРАШУВГА

Шу кунларда Афғонистон халқи революциясининг бир йиллигини нишонламоқда. Афғонистон тарихида янги саҳифа очган Апрель революцияси туфайли амалга оширилаётган социал-иқтисодий ўзгаришлар прогрессив инсониятни мамнун этмоқда.

Шу кунларда Қобулга байрам тантаналарида иштирок этиш учун қўшни мамлакатлардан санъаткорлар, маданият ходимлари, спортчилар келишмоқда.

Ўзбекистон эркин курашчилари ҳам Қобулга жўнаб кетишди. Мамлакат биринчиликлари ва Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётган Х. Зангиев, Э. Фатиков, К. Қурбонов, А. Иброҳимов, А. Какрамонов, К. Ефименко каби спортчилар Афғонистонда бир нечта халқаро ўртоқлик учрашувларида қатнашадилар.



«Ташгипроинздрав» лойиҳа институти мутахассислари бир суткада 25 минг порция сутли таом тайёрлаб бериш қувватига эга бўлган комбинат лойиҳасини қўлдан чиқардилар. Бош архитектор Н. Шихалебетов ва бош инженер Н. Мишиналар бошчилигида яратилган лойиҳа асосидаги бу комбинат пойтахтнинг Қорақамиш массивида бунёд этилади. Суратда: комбинат макетининг кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

93-ихтисослаштирилган трестнинг «ЭНЕРГОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Технологик ускуналар ва қозон қурилмаларини монтаж қилиш бўйича монтажчиларни тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАНЛАР, ШУНИНГДЕК, ИХТИСОСГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида тингловчиларга ҳар ойда 75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Курсларни битирган монтажчилар Тошкент шаҳри ва областидаги объектларда ишлайдилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 59 «а»-уй (103-автобуснинг «Ипподром» бекати). Телефон 76-66-81.

Телевидение

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 10.50 — Яна бошидан бошлаб. Бадиий фильм. 11.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Тарих саҳифалари. В. И. Ленин — Октябрь доҳийси. 16.40 — Жонажон табиат. 17.00 — Рус тили. 17.30 — Орлёнок. 18.00 — Спортлото. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.40 — Рўпарадаги. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Кинопанорама. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.40 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 12.10 — Киношиналар экрани. 13.00 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм. 5-серия. 14.25 — Концерт. 15.00 — Улар офицер бўладилар. 18.00 — До-ре-ми фа-соль. 18.30 — Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Халқ контроли экрани. 19.30 — Оталар сўзи-ақлнинг кўзи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Юнсак турмуш ва маданият учун. 22.40 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/IV да Севги ҳақида афсона (премьера), 29/IV да Доктор Айболит.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да Қиёмат қарз, 29/IV да Соқов рицарь.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 28/IV да Тошкентнинг нозанин маликаси, 29/IV да Кулги кечаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да Кўзингни каттароқ оч (19.00). 29/IV да Беш қилиқ куёв (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА. КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (13.00, 16.00, 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—06214. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2283.